**Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифаларнинг изчил ва қатъий амалга оширилиши хусусида гап борди.**

# СТРАТЕГИК БАРҚАРОРЛИК ОМИЛЛАРИ

Зеро, ана шу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, иқтисодий ривожланишнинг барқарор ва мутаносиб суръатлари таъминланаётир, макроиқтисодий ўсиш кўрсаткичлари мустаҳкамланиб, сифати яхшиланмоқда. Шунингдек, маърузада миллий иқтисодиёт тармоқ ва ҳудудий тузилишини тубдан ўзгартириш, уни диверсификациялаш, модернизация қилиш ва янада эркинлаштириш, кичик бизнес, фермерлик, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва хизмат кўрсатиш соҳалари салмоғини оширишни жадаллаштириш, банк-молия тизимига тегишли вазифаларни кескин кучайтириш, янги иш жойларини яратиш ва аҳоли фаровонлигини янада ошириш бўйича чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган масалаларни ҳал этишда ижобий силжишларга эришилаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Ҳа, ҳозирги босқичда бундай ижобий силжишларга эришиш, албатта, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Гарчанд, 2008 йилнинг иккинчи ярмидан бошланган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози, хусусан, ташқи бозорларда талаб ва нархнавонинг сезиларли пасайиб кетиши, ўз навбатида, экспорт имкониятларимизнинг сусайиши бутун иқтисодиётимизнинг мутаносиб ва самарали ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган, мўлжалланган лойиҳаларни амалга ошириш, қўйилган мақсадларга эришиш йўлида кўплаб муаммолар туғдираётган бўлса-да, халқимиз фидокорона меҳнат қилиб, муайян муваффақиятларга эришмоқда. Шу туфайли Юртбошимиз ҳам ўз чиқишларида 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 9 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,7 фоизга, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7 фоизга, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4,5 фоизга ўсганлиги мамлакат иқтисодиётининг нафақат барқарор фаолият кўрсатаётганлигини, балки унинг юқори ўсиш суръатлари ҳам таъминланаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Булардан ташқари мамлакатимизда бюджет ва бошқа молия тизимлари фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, мамлакатимизда меҳнатни янада рағбатлантириш, иш ҳақини кўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсат ҳам изчил амалга оширилмоқда. Ана шулар туфайли ўртача иш ҳақи ва аҳолининг реал даромадлари ошиб бораётир, қолаверса, ушбу йўналишнинг 2009 йилда ҳам давом эттирилиши ижтимоий сиёсатдаги стратегик мақсадларга эришишнинг кучли пойдевори яратилаётганлигидан дарак бермоқда.

Иқтисодиётда стратегик барқарорлик ва ўсиш суръатларини таъминлашнинг таъсирчан омили ҳамда кафолати сифатида, Президент маърузасида таъкидланганидек, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ва рақобатбардошлигини янада ошириш вазифаси белгиланмоқда. Маълумки, мазкур вазифа Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб белгиланмоқда. Уни амалга ошириш эса, табиийки, жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш, реал иқтисодиёт корхоналарини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш каби долзарб масалаларга устувор эътибор ва аҳамият берилишини тақозо этмоқда. Маълумки, ушбу масалаларнинг негизини, биринчи галда, иқтисодиётимизнинг базавий

**Сенатор минбари**

тармоқлари корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, жаҳон бозорида мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган инновация ва энергияни тежайдиган технологияларини жорий этиш ташкил қилади. Ушбу стратегик вазифани ечиш учун мамлакатимизнинг имконият ва салоҳиятини сафарбар этишнинг 2009-2014 йилларга белгиланган 300 та инвестиция лойиҳаси(қиймати 24 миллиард АҚШ долларидан ортиқ)ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни кўзда тутган дастурини тайёрлаш мўлжалланмоқда. Бу чоралар, табиийки, ялпи ички маҳсулот ҳажмини сезиларли даражада юксалтиради, янги иш ўринлари яратилиши, экспорт салоҳиятининг ошиши билан бир қаторда, мамлакатимизнинг жаҳон бозоридаги стратегик мақомини оширади, сиёсий ва иқтисодий позициясини, рақобатдаги устунлигини жиддий мустаҳкамлайди.

2009 йилги иқтисодий дастурнинг иккинчи энг муҳим устувор йўналиши сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган структуравий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш лозимлиги белгиланди. Ушбу йўналиш стратегик ривожланишнинг марказий масалаларидан бири ҳисобланиши ва айнан шу йўналиш орқали иқтисодиётимиз ва мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги рақобатдошлигини таъминлай олиш мумкинлиги назарда тутилмоқда. Бу борада жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг салбий таъсиридан ҳимояланиш мақсадида ишлаб чиқариш қувватларини мунтазам янгилаш, уларни модернизация қилиб бориш ўта долзарб вазифа эканлиги асосланди. Табиийки, бу вазифанинг ечими мавжуд имконият ва ресурсларни сафарбар қилишни тақозо этади. Бунинг учун ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни излаш, тез ўзгарувчан бозор конъюнктураси талабларидан келиб чиқиб, уларни алмаштириш режаларини тузиш, бу борада зарур маблағ ва манбаларни топиш ҳар бир корхона раҳбари ва муҳандис-техник ходимларнинг биринчи навбатдаги энг муҳим вазифаси ва мажбурияти бўлмоғи лозимлиги таъкидланди. Бу эса банкротлик жараёнларини қўллашнинг замонавий механизмларини қатъий жорий қилишни англатмоқда.

Маърузада "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг мамлакатимизда ер муносабатларини такомиллаштириш, сув ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқда бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий мақомини мустаҳкамлаш каби масалалар юзасидан таклифларни Олий Мажлисга киритишни тезлаштириш лозимлиги айтиб ўтилди. Бу эса қишлоқларимиз қурилиш архитектурасини тубдан яхшилаш, шунингдек, қишлоқ инфратузилмасини кенгайтириш, қишлоқда саноат ва ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишловчи ихчам корхоналар ташкил этиш каби масалаларнинг ечимини топишга ёрдам беради. Ишонамизки, бу саъй-ҳаракатлар қишлоқда ҳаётнинг ижтимоий-иқтисодий даражаси юксалишига, унинг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашдаги ўрни ҳамда аҳамияти ошишига олиб келади.

Кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш мамлакатни узоқ муддатда тараққий эттиришнинг салмоқли омили ва кафолатидир. Маърузада бу масала кенг ва батафсил таҳлил қилинди ҳамда айнан шу соҳадаги кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрсатиб берилди. Мазкур чора-тадбирлар сирасига солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур институционал ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳам киради. Бу эса соҳа тараққиётига катта туртки бўлиши, шубҳасиз.

**Д**арҳақиқат, маърузада кўтарилган масалаларнинг ҳам, белгиланган вазифаларнинг ҳам салмоғи ниҳоятда залварли. Уни ҳар биримиз диққат билан ўрганмоғимиз, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш, тарғибот ишларини олиб боришимиз лозим. Зеро, бу келажакда барчамиз учун катта дастуриламалдир. Негаки, унда барча соҳалар бўйича стратегик барқарорлик омиллари ва кафолатлари аниқ-тиниқ кўрсатиб берилди. Эндиги вазифа эса барчамизнинг ушбу вазифаларни ҳаётга, турмушимизга нақадар асосли қўллашимизга боғлиқ.

**А. АЛТИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси.**

*Ўзбекистон — Туркманистон:*

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, томонларнинг ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, томонлар газ транспорт инфратузилмасини ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга. Газ ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича етакчи ўринларни эгалловчи мамлакатларимиз дунё бозорига хом ашёнинг ишончли тарзда етказиб берилишини таъминловчи янги газ қувурларини қуришдан бирдек манфаатдор. Ўзбекистон «Туркманистон — Хитой» йўналишидаги газ қувурининг барпо этилишини қўллаб-қувватлайди ва ушбу лойиҳанинг амалга оширилишида фаол иштирок этмоқда. Жумладан, мазкур тармоқнинг мамлакатимиз ҳудудидан ўтадиган қисмини ўз вақтида қуриб битказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинган бўлиб, ишларни амалга ошириш жадвали тасдиқланган.

Мамлакатларимиз транспорт ва транзит юк ташиш соҳасида ҳам катта салоҳиятга эга. Қулай жуғрофий жойлашув эвазига Ўзбекистон ва Туркманистон Осиё билан Европа, Шимол билан Жануб ўртасидаги халқаро савдони ривожлантириш бўйича барча имкониятларга эга. Мамлакатларимизнинг бир-бирига уланган автомобиль ва темир йўл тармоқлари иқтисодий жиҳатдан рақобатбардош трансмиллий транспорт коридорларини шакллантириб, Марказий Осиё давлатларини дунёнинг деярли барча асосий бозорлари билан боғлайди.

Мамлакатларимиз, шунингдек, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш соҳасида ҳам ҳамкорлик қилиб, янги ва иқтисодий жиҳатдан қулай йўналишларни ишлаб чиқмоқда ва ўзлаштирмоқда. Уларнинг орасида истиқболлиларидан бири Европа, Шимолий Африка ва Яқин Шарқ бозорларига чиқиш имконини берувчи «Навоий — Туркманбоши — Боку — Карс» транспорт йўналиши ҳисобланади.

Бугун Ўзбекистон Туркманистоннинг Серахс шаҳри орқали Эронга чиқади ва ўз маҳсулотларининг — бир қисмини шу йўналиш орқали дунё бозорига экспорт қилади.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Мазкур йўналишдаги алоқаларни янада жадаллаштириш мақсадида 2008-2010 йиллар учун мўлжалланган Маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастурни амалга ошириш доирасида икки мамлакат вакиллари Ўзбекистон ва Туркманистон ҳудудида ўтказиладиган турли тадбирлар, концерт, фестиваль ва танловларда иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 2008 йил 7-12 апрель кунлари Ашхободда бўлиб ўтган «Туркманистон: инсоният мусиқа санъатининг маънавий хазинаси» фестивалида мамлакатимиздан «Ўзбекистон солистлари» камер оркестри иштирок этди.

2008 йил 14-20 август кунлари Тошкент вилояти, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида «Ўзбекистонда Туркманистон киноси кунлари» бўлиб ўтди. Тадбир давомида туркманистонлик киноижодкорларнинг 11 та фильми намойиш этилди.

2008 йил 24 ноябрь — 3 декабрь кунлари Ашхободда Бухоро қўғирчоқ театрининг гастроли бўлиб ўтди. Ёш томошабинлар эътиборига ўзбекистонлик санъаткорларнинг 18 та спектакли ҳамда бадиий кечалари ҳавола этилди.

2009 йилда туркманистонлик мусиқачилар жамоасининг «Шарқ тароналари» халқаро фестивалида иштирок этиши ва Туркманистонда «Ўзбекистон киноси кунлари»нинг ўтказилиши режалаштирилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда олтита вилоят ва битта республика Туркманистон маданият маркази фаолият кўрсатмоқда. 1996 йилда Хива шаҳрида таниқли туркман шоири Махтумқулининг ҳайкали ўрнатилди. Мамлакатимиздаги 51 та мактабда туркман тили ўқитилади, 28 та мактабда эса таълим тўлалигича туркман тилида олиб борилади.

Икки мамлакат ҳамкорлиги илм-фаннинг турли соҳаларида ҳам ривожланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимликлар генетикаси ва экспериментал биологияси институти Туркманистон шароитига мос ғўза уруғи ҳамда ғалла селекциясини амалга ошириш юзасидан туркманистонлик ҳамкасбларга ёрдам кўрсатиш имкониятларини ўрганмоқда. Ўзбекистон ФАнинг Зоология институти туркманистонлик олимлар билан биргаликда ўзбек ва рус тилларида чигирткага қарши курашиш бўйича услубий қўлланмани чоп этди. ЎзФАнинг Тил ва адабиёт институти 2008 йил июнь ойида Тошкент шаҳрида «Махтумқули ва ўзбек адабиёти» мавзуидаги халқаро илмий анжуманни ташкил этди. Унда кўзга кўринган адабиётшунос олимлар, жамоатчилик вакиллари, ёш мутахассислар, турли олий ўқув юртлари талаба ва магистрантлари иштирок этишди.

Шу билан бирга, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш, келгусида савдо, ёқилғи-энергетика, банк-молия тизими, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, божхона, спорт ва туризм, ўзаро манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш учун имкониятлар мавжудлиги ҳам эътиборга молик.

Шубҳасиз, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедовнинг Ўзбекистонга буюражак расмий ташрифи икки мамлакат ҳамкорлигига янгича суръат бағишлаб, Ўзбекистон билан Туркманистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва яқин қўшничилик алоқаларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**

# ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг 94 фоизи кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳасига тўғри келади. Шу билан бирга, вилоятдаги саккиз корхонада модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ишлари амалга оширилиб, ишлаб чиқариш сифати ва салмоғи ошди.

Вилоятда «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида режалаштирилган тадбирлар самарали якунланди ва ушбу мақсадларга 62 миллиард сўм миқдорида маблағ сарфланди.

Йиғилишда йўл қўйилган камчиликларга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, айрим соҳаларда ривожланиш кўрсаткичлари республика даражасидан паст бўлгани, вилоятда капитал қўйилмалар ҳажми 2007 йилга нисбатан 12 фоиз камайгани танқид қилинди. Бундай камчиликларнинг олдини олиш долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Йиғилишда экспорт ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда вилоятдаги 11 корхонада модернизациялаш ишлари давом эттирилади.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ вилоятда элликка яқин қишлоқда ичимлик суви таъминоти яхшиланади. Халқаро молиявий институтлар кўмагида "Дамхўжа" магистраль қувурининг иккинчи навбати қурилиши бошланади. Олот, Қоракўл туманлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари амалга оширилади.

Йиғилишда, шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқларда ихчам технологиялар билан жиҳозланган замонавий қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш, шу асосда аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини янада ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Бухоро вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шоисматов сўзга чиқди.

**Э. ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## САМАРҚАНД

Вилоят ҳокими Ў. Барноев бошқарган йиғилишда мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни сақлаш, ишлаб чиқаришда ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Жумладан, Самарқанд вилоятида ҳам 2008 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоиз, жумладан, саноатда 24,2, қишлоқ хўжалигида 2,8 фоизга ошди. Шунингдек, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 24,5, товар айланиши 18, хизматлар 35,6 фоиз кўпайди.

Йил давомида вилоят инвестиция дастурлари доирасида 71 лойиҳа амалга оширилди. 54,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя ўзлаштирилди. 4,6 миллион доллар миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Киритилган инвестициялар ҳисобидан 1122 та янги иш жойи очилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида саккизта саноат корхонасида 22 та лойиҳа бўйича белгиланган ишлар амалга оширилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида ҳам муайян натижаларга эришилмоқда. Дастурга асосан йил давомида 368 та хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилди.

2008 йилда вилоятда 2809 тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 38900 тага етди. Уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 68, экспортдаги улуши 43,1 фоизга етди. Ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 46 минг 289 та янги иш ўринлари яратилди.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, 2008 йилда вилоятнинг иқтисодий кўрсаткичларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланган бўлса-да, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш даражаси Каттақўрғон, Жомбой ва Нарпай туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳрида бирмунча паст бўлди. Қўшработ, Нарпай, Нуробод ва Иштихон туманларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича кўп иш қилиниши лозим.

Йиғилишда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида амалга ошириладиган ишлар, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштириш каби муҳим масалалар бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Самарқанд вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Рўзиқулов сўзга чиқди.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ФАРҒОНА

Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Ҳ. Неъматов бошқарган йиғилишда дунёда рўй бераётган молиявий инқирознинг салбий оқибатларига қарамай, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор вазифалари бажарилишини таъминлашда вилоятда бир қатор ишлар амалга оширилгани эътироф этилди. Сўнгги йилларда илк бор ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръатлари 6 фоизни ташкил этиб, 2853,5 миллиард сўмга етди.

Модернизация ва реконструкция қилиш ҳисобидан вилоятда 11 та корхона фойдаланишга топширилди. Хорижий инвестициялар иштирокида 12 та янги корхона ташкил этилиб, 4,8 миллион долларлик тўғридан-тўғри инвестиция киритилди.

Шу билан бирга, вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш режаси бажарилгани билан, истиқбол кўрсаткичлари уддаланмади. 5 та саноат корхонасида ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб 66,1 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берилмади. Қишлоқ хўжалик тармоғидаги қолоқликка барҳам беришга жиддий эътибор қаратилмаяпти.

Шунингдек, йиғилишда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижроси бўйича амалга ошириладиган аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чиқди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманида 269 та фермер хўжалиги мавжуд. Улар жорий йилда 9900 гектар ерга чигит қадашни ният қилишган. Айни вақтда қишлоқ хўжалик техникалари туман машина-трактор паркларида мавсумга тайёрланмоқда.***

# ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ШАШТИ БАЛАНД



**Б**у ишда "Марғилон механика таъмирлаш" масъулияти чекланган жамияти аъзоларининг ҳам ҳиссаси катта бўлаётганлигини айтиш лозим. Жамиятнинг темирчилик, йиғув ва механика цехларида меҳнат қилаётган тажрибали мутахассислар ишнинг пишиқ ва самарали бўлишига эришмоқда. Ҳозирда бу ерда ишлаб чиқарилаётган 25 турдаги зарур эҳтиёт қисмлари иш самарасини таъминлаётганлиги ҳам сир эмас.

**СУРАТЛАРДА: механизатор Расул Шералиев, таъмирдан чиққан чопиқ тракторлари.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

***Мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида сизу бизнинг бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизни ишончли тарзда ҳимоя қилишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямиз барпо этилди.***

# ТИНЧ ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

**А**рмияни ислоҳ қилишнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурига мувофиқ, Қуролли Кучларни қуриш ва бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди, улар сафини тўлдириш тартиби эса босқичма-босқич такомиллаштирилди. Миллий мудофаани барпо этиш соҳасида олиб борилаётган мана шундай чуқур тизимли ўзгаришлар натижасида армиямизнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлик даражаси ҳамда қудрати сезиларли равишда ошди. Энг муҳими, аҳолимиз, айниқса, ёшларимиз орасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан, жорий йилдан бошлаб муддатли ҳарбий хизматга чақирув бир йилда бир марта — февраль-март ойларида, белгиланган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни Ўзбекистон Қуролли Кучлари захирасига бўшатиш эса март-апрель ойларида амалга ошириладиган бўлди. Бу билан армияга чақиришнинг эскича, совет тизимидан қолган одатига барҳам берилиб, Қуролли Кучлар сафини тўлдиришнинг ўзига хос янги босқичи бошланди. Айни кунларда барча жойларда бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам ана шу тартиб асосида ёшларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш тадбирлари ташкил этилмоқда.

**Мардлар қўриқлайди Ватанни**

— Президентимизнинг ушбу Фармони бўлғуси аскарларнинг жисмоний тайёргарлиги, интеллектуал салоҳияти, саломатлиги ва оилавий шароитларини янада пухта ўрганиш имконини берди, — дейди Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими, майор Баҳодир Йўлдошев. — Бу эса Қуролли Кучларимиз сафлари ҳар томонлама сараланган, мард ва жасур ўғлонлар билан тўлдирилишига хизмат қилади. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ва туман бўлимларида чақирувни юқори даражада ўтказиш учун барча шароитлар яратилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик вакиллари билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматга бориш истагида бўлган ёшлар орасидан энг саралари танлаб олинмоқда. Синовлардан муваффақиятли ўтганлар муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетмоқда

— Қаранг, ҳарбий хизматга кузатиш маросими худди бир байрамдек ўтказилмоқда, — дейди фарзандини кузатишга келган ота-оналардан бири Зокиржон Ҳамидов. — Ҳеч бир замонда бундай бўлган эмас. Йигитларимизнинг армиядаги шароитларидан ҳам кўнглимиз тўқ. Хизмат қилиш учун яратиб берилган имкониятлар эса ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Ҳаммамиз мана шундай қулайликларни яратиб бергани учун Юртбошимизга чексиз миннатдорчилик билдирамиз.

— Бугун ўғлимиз Санжарни армияга кузатаяпмиз. Жуда ҳаяжондаман. Унинг белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтганини эшитганимда бир қувонган бўлсам, бугун ҳарбий либосда кўриб, икки карра қувондим. Ота-она учун бу энг бахтли дамлардан биридир.

— Бундай шарафга муяссар бўлган ҳар бир йигит, шубҳасиз, чексиз фахр ҳиссини туяди, — дейди муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетаётган бахмаллик Ғофур Пардаев. — Ўзимга билдирилган ишончни, албатта, оқлайман. Келгусида ҳарбий соҳада ишлаш ниятим бор. Армияда олган билим ва кўникмаларим, жисмоний тайёргарлик жараёнлари ана шу мақсадимга эришишда менга ёрдам беради.

**М**ана шундай эзгу мақсадда ёшлар ҳарбий хизматга отландилар. Уларни кузатиб қолган ота-оналар, жамоатчилик вакиллари оқ йўл тиладилар.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Фалокатнинг олди олинди

***Манила-Токио йўналиши бўйича парвозни амалга оширган йўловчи самолёти қўниш вақтида кўнгилсизликка учради.***



Экипаж аъзоларининг саъй-ҳаракати туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган жиддий фалокатнинг олдини олишга эришилди.

Шунга қарамай, самолёт бортидаги йўловчилардан ўттиз нафарга яқини жароҳатланган. «Northwest Airlines» авиакомпанияси матбуот котибининг изоҳлашича, жабрланганларнинг аксарияти хавфсизлик камарини тақмаган йўловчилардир.

### Глобал муаммоларга қарши

***НАТО бош котиби Яап де Хооп Схеффер ташкилот томонидан янги стратегик концепция тайёрланаётганини маълум қилди.***

Бу ҳақда «Associated Press» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Бош котибнинг таъкидлашича, мазкур ҳужжатдан XXI асрнинг бир қатор глобал муаммоларига қарши курашишни кучайтириш лойиҳалари жой олади. Жумладан, халқаро терроризм, кибертерроризм ва ялпи исиш каби бугунги кунда инсониятни жиддий ташвишга солаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш



чора-тадбирларига асосий эътибор қаратилади. Мазкур концепция амалиётга қачон татбиқ этилиши ҳозирча номаълум.

### Қўшимча куч жўнатилади

***Германия Афғонистондаги ҳарбийлар сонини оширишни мўлжалламоқда, дейилади «Deutsche Welle» радиоси ахборотида.***

Маълумотларга қараганда, Германия ушбу мамлакатга яна олти юз нафар аскар жўнатмоқчи. Улар жорий йил кузида Афғонистонда ўтказилиши режалаштирилаётган президентлик сайловларининг ташкилий ишларига кўмаклашишлари кўзда тутилган.

Айтиб ўтиш жоиз, айни пайтда Афғонистонда ушбу давлатнинг 3600 нафар ҳарбийи бор.

### Биринчи расмий ташриф

***«France Presse» ахборот агентлиги хабарига кўра, АҚШнинг янги президенти Барак Обама хорижий давлатларга биринчи расмий ташрифини амалга оширди.***

Оқ уй раҳбари Канада давлатида бўлиб, мазкур мамлакат бош вазири Стивен Ҳарпер билан учрашган. Ўзаро мулоқот чоғида томонлар бир қанча масалалар борасида ўзаро фикр алмашишган. Жумладан, энергетика, савдо соҳалари ва халқаро хавфсизлик масалаларида ҳамкорлик қилиш юзасидан келишиб олишган.

Бундан ташқари, Обаманинг маҳаллий бозорларни айлангани ва у ердан эсдалик совғалари сотиб олгани ҳам ОАВ ходимлари назаридан четда қолмади.

### Ишлаб чиқариш камаяди

***Европанинг «Airbus» самолётсозлик холдинги бир нечта турдаги йўловчи ташиш самолётлари ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартиришини маълум қилди.***



Жумладан, компания олдин режалаштирганидек, жорий йилнинг октябрь ойига қадар «А320» ҳаво лайнерларидан 36 дона эмас, балки 34 та тайёрлайдиган бўлди. Шунингдек, «А330» ва «А340» самолётлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ошмайди. Яъни, улар олдингидек ойига ўртача 8,5 донадан тайёрланади.

Эслатиб ўтамиз, 2008 йил ноябрь ойида компания 119 та буюртмани бекор қилганлиги айтилганди. Жорий йил январь ойида эса «Thai Airways International» (Таиланд) авиакомпанияси «А330» самолётларига берган буюртмасини қайтариб олди. Бундан ташқари, «Airbus» бир қатор корхоналари фаолиятини тўхтатиб, кўплаб ходимлари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилганди.

### Ҳар томчиси ҳисобда

***АҚШнинг йирик коммунал хизмат кўрсатиш идораси Лос-Анжелес шаҳрида сув истеъмолини меъёрлаштиришни олға сурмоқда.***



Бундай хулосага келинишига кўп йиллардан буён штатда сувдан хўжасизларча фойдаланиб келингани туфайли ана шу об-ҳаёт захираларининг сезиларли даражада камайиб кетгани сабаб бўлган. Энди сувдан фойдаланиш қаттиқ тартибда назорат қилинади. Ортиқча сарф-харажатга йўл қўйганлар жаримага тортилади.

Бу ерда охирги бор бундан ўн беш йил муқаддам ана шундай ислоҳот амалга оширилганди.

### Ишсизлар сони ошмоқда

***"РИА Новости" берган маълумотларга кўра, жорий йилнинг январь ойида Россияда ишсизлар сони 2008 йилнинг декабрь ойига қараганда 5,2 фоизга ошган.***

Росстат томонидан тайёрланган маълумотда бугунги кунда мамлакатда ишсизлар сони қарийб 6,1 миллион кишига етгани айтиб ўтилган. Шундан 1,7 миллиони рўйхатга олинган.

«Давлат ташкилотларида фаолият олиб боришга лаёқатли ходимларнинг 1,7 миллиони ишсиз сифатида қайд қилинган. Шундан 1,4 миллиони ишсизлик нафақаси билан таъминланмоқда», дейилади маърузада.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# ТАБИАТДАГИ МУВОЗАНАТ

## бутун борлиқнинг барқарор ривожланиши гаровидир

***Замон шиддат билан ўзгараяпти. Бугун бирор бир соҳа йўққи, одамларнинг нигоҳидан, эътиборидан четда қолаётган бўлса. Илм-фанда янги кашфиёт ёки ихтиролар қилинаяпти. Бу, яхши албатта. Бироқ, масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам борки, бу ана шу тадқиқотларнинг инсониятга фақат фойда эмас, балки зиён ҳам келтириши мумкинлиги билан боғлиқ.***

**Шарҳ**



**К**узатувчиларнинг фикрича, сўнгги йилларда дунё миқёсида ўғил болаларга нисбатан қизлар кўп туғилаётган экан. Бунга атроф-муҳитдаги мувозанатнинг бузилгани сабаблардан бири сифатида баҳоланмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатганки, лок-бўёқ ҳамда электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналардан чиқадиган заҳарли моддалар дунёга келаётган чақалоқлар жинсининг ўзгариб кетишига таъсир қиларкан. Бундан ташқари, ярим хлорланган бифилинлар ҳам қиз жинсига мансуб болаларнинг ўғил болаларга нисбатан уч баробар кўп туғилишига олиб келувчи омил ҳисобланиши олимларнинг хулосаларида ўз аксини топган. Хусусан, ҳомиладор аёлларнинг ярим хлорланган бифилинлардан заҳарланиши оқибатида ўғил болаларнинг дунёга келиши 33 фоизга қисқараркан.

Шу ўринда савол туғилиши табиий. Хўш, ярим хлорланган бифилинлар ўзи нима? У қачон пайдо бўлган ва инсоният учун қандай хавф туғдиради? Маълумотларга қараганда, бундай кимёвий воситалар илк бор бундан саксон йил муқаддам аниқланган. Орадан бир мунча вақт ўтгач, унинг таркибидан лок ва бўёқлар ажратиб олиш ўзлаштирилган. Лекин тез орада унинг атроф-муҳитга кучли зарарли таъсири борлиги маълум бўлади. Айниқса, ўтган асрнинг 70-йилларида мазкур кимёвий моддадан Японияда 14 минг кишининг заҳарланганидан сўнг уларни қўллаш кескин танқид остига олинади. Мазкур салбйй ҳолатга олимлар «бўёқ хасталиги» деб ном ҳам беришади. Ярим хлорланган бифилинлардан заҳарланган кишилар танасида муттасил яралар пайдо бўлиши, аёлларнинг жинсий қобилияти заифлашиши ва иммун танқислиги юзага келиши кузатилган.

Афсуски, шундай жиддий асоратлар ҳам инсониятнинг мазкур маҳсулотлардан фойдаланишга бўлган истагига тўсиқ бўла олмаяпти. Ачинарлиси, бу салбий жараён наботот оламига ҳам аллақачон ўзининг салбий таъсирини ўтказа бошлаганди. Жумладан, ҳар йили деярли 200 минг тонна кимёвий чиқиндиларнинг сув ҳавзаларига ташланиши оқибатида денгиз жониворларининг аксариятида бир вақтнинг ўзида ҳам эркаклик, ҳам аёллик белгилари пайдо бўлиш ҳолати юзага келган. Худди шундай ғайриоддий ҳодиса Калифорния кўрфазида яшайдиган сув ҳайвонларида ҳам кузатилган.

Бугунги кунга келиб Болтиқ, Шимолий Ирландия денгизлари, Бискай кўрфази ҳамда Англия, Исландия, Португалия, Испания мамлакатларининг ғарбий қирғоқларида кимёвий чиқиндиларни сув ҳавзаларига ташлаш ҳолати кескин ошган. Денгизнинг ифлосланишига фақат шулар сабаб бўлмаяпти. Кўплаб нефть маҳсулотлари ортилган юк кемаларининг ҳалокатга учраши ҳам сув ҳавзалари ва улардаги наботот оламига жиддий хавф туғдираётгани бот-бот айтиб ўтилмоқда.

Атроф-муҳит бузилишининг олдини олиш мақсадида 1958 йилда денгизларнинг ифлосланишига қарши курашиш бўйича халқаро конвенция қабул қилинди. 1960, 1971 йилларда унга айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, 1958 йилда ҳукуматлараро Денгизлар бўйича маслаҳатлашув ташкилоти тузилган. 1973 йилнинг октябрь ойида эса Лондонда бўлиб ўтган халқаро конференцияда кемаларнинг сув ҳавзаларини зарарлашининг олдини олишга қаратилган Халқаро конвенция ҳам қабул қилинди. Унда денгиз транспорт воситалари махсус текширишлардан ўтиши ва сертификатга эга бўлиши лозимлиги белгилаб қўйилди. Ана шу халқаро ҳужжатлар қабул қилинган даврларда маълум ишлар бажарилди. Бироқ, маълум бир вақт ўтгач, бу масала яна долзарб бўлиб қолди. Чунки сув ҳавзаларининг ифлосланиш даражаси ортди. Маълумотларга кўра, ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталарида турли сабабларга кўра, йилига олти миллион тонна нефть маҳсулотлари сувга қўшилиб кетган бўлса, 70-йилларнинг охирига келиб бу кўрсаткич 10 миллион тоннага етган. Бундан ташқари, деярли ҳар куни денгизларга таркибида симоб бўлган қарийб беш минг тонна чиқинди ташланган. 1976 йилда махсус комиссия томонидан олиб борилган текширишларда ана шундай чиқиндилардан заҳарланган балиқларни истеъмол қилгани туфайли одамларда 292 турдаги касалликлар келиб чиқиши аниқланган. Ачинарлиси, ана шу хасталикларнинг айримлари инсоннинг бевақт ҳаётдан кўз юмишига олиб келаркан.

**Д**емак, бугунги кунда ушбу масала ҳам инсоният олдида турган энг глобал муаммолардан бирига айланиб улгурган. Глобал дейилгандан кейин ўз-ўзидан аёнки, уни бир ёки икки давлатнинг саъй-ҳаракати билан бартараф этиб бўлмайди. Бунда якдиллик бўлиш талаб этилади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, денгиз маҳсулотлари инсон соғлиғи учун энг зарур бўлган озиқ-овқат турларидан саналади. Аслида ҳар бир киши биргина мана шу жиҳатни эътиборга олиб, атроф-муҳитга ижобий муносабатда бўлганда ҳам бу борада ортиқча сўз юритишга эҳтиёж қолмасди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**


ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» банки (ОАЖ)

миллий ва хорижий валюталарда янги омонат турларини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ: «БАҲОРГИ»

Сақлаш муддати – 7 ой.
Омонат бўйича йиллик 26 фоиз ҳисобланади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ: «КАФОЛАТ» (АҚШ ДОЛЛАРИДА)

Сақлаш муддати — 9 ой.
Омонат бўйича йиллик 10 фоиз ҳисобланади.



«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

*Хизматлар лицензияланган*

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-14 |
| 2. | Автотранспорт филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (371) | 120-84-26 |
| 4. | Юнусобод филиали | (371) | 225-16-46 |
| 5. | Сирғали филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (3742) | 24-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (3742) | 33-13-69 |
| 9. | Фарҳод филиали | (3742) | 26-62-37 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | ( 3732) | 24-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (3732) | 37-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (3734) | 32-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (3735) | 52-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (3692) | 26-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | ( 4362) | 23-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (4365) | 73-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (3652) | 23-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (3652) | 24-24-29 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (3662) | 31-19-97 |
| 20. | Афросиёб филиали | (3662) | 34-18-10 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (3752) | 21-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (3612) | 23-72-47 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (3622) | 26-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (3672) | 25-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (3722) | 26-43-11 |

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*


## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги қонун ҳужжатлари билан кафолатланган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда,

**Сиз, тадбиркорлар, ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун:**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратураларининг қуйидаги «Ишонч телефони» рақамларига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

| Т/р | Прокуратура органлари | Ишонч телефони рақамлари | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси | Код:8371 | 232-43-91<br>232-45-40 |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти | Код:8371 | 233-84-20 |
| 3. | Андижон вилояти | Код:8374 | 224-06-09 |
| 4. | Бухоро вилояти | Код:8365 | 223-74-79 |
| 5. | Жиззах вилояти | Код:8372 | 226-09-62 |
| 6. | Қашқадарё вилояти | Код:8375 | 221-07-82 |
| 7. | Қорақалпоғистон Республикаси | Код:8361 | 222-26-39 |
| 8. | Навоий вилояти | Код:8436 | 225-07-17 |
| 9. | Наманган вилояти | Код:8369 | 226-23-02 |
| 10. | Самарқанд вилояти | Код:8366 | 235-07-34 |
| 11. | Сирдарё вилояти | Код:8367 | 225-38-22 |
| 12. | Сурхондарё вилояти | Код:8376 | 223-20-36 |
| 13. | Тошкент шаҳри | Код:8371 | 273-74-81 |
| 14. | Тошкент вилояти | Код:8371 | 277-76-18 |
| 15. | Фарғона вилояти | Код:8373 | 224-04-80 |
| 16. | Хоразм вилояти | Код:8362 | 227-45-71 |

Бундан ташқари, барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари, фуқароларнинг кундалик қабули навбатчилик асосида тўхтовсиз ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингизнинг тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ.**

### Миробларга талаб катта

***Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Бандликка кўмаклашиш марказининг бу галги меҳнат ярмаркасида 135 киши ишли бўлди.***

**Бандлик**

Қатор муассасалар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирга 300 дан ортиқ фуқаро ташриф буюрди. Якунда тўрт кишига "Дармон" тикувчилик фирмаси маъқул тушди, яна тўрт нафар чевар "Бирлашган" МЧЖнинг тикув машиналарини юритадиган бўлди. Нанай, Бирлашган қишлоқларидаги сувдан фойдаланиш уюшмалари эса мирobликда тажрибаси бор 6 кишини ўз сафларига қабул қилдилар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тез пул ўтказиш» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAD@POST.UZ

